



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 18 январь, № 13 (8908)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартиришга оид чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Бу йил 5 миллион 200 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш ва 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Биринчи марта 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Илғор хорижий тажриба асосида 32 та йўналишда камбағалликни қисқартириш бўйича янги ёндашувлар йўлга қўйилди. Мисол учун, 300 та оғир маҳаллада умумий қуввати 107 мегаватт бўлган қуёш электр станциялари ишга туширилди. Уларга камбағал оила аъзолари кооперация асосида ишга олинди.

123 та туманда камбағал аҳоли 20 минг гектар ўрмон ва кўчатзор барпо этиш ҳамда доривор ўсимликлар етиштиришга жалб этилади. Улар эккан ҳар 100 та

дарахт учун 375 минг сўм субсидия тўланади. Туризм салоҳияти бор жойларда меҳмон уйлари ва ошхоналар, муайян почта бўлимларида электрон тижорат марказлари очилиб, камбағал оила вакиллари ишга олинди.

Умуман, жорий йилда 6 минг 472 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида лойиҳалар амалга оширилиб, 210 минг нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилади. Чекка ҳудудлардаги, оғир тоифадаги қишлоқларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси уларга ишчанлик руҳини олиб кириб, боқимандаликни камайтиришга, камбағал оилалар меҳнатини қўллаб-қувватлашга масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлишини яна бир бор таъкидлаб, бу борадаги чора-тадбирларни тартибли ва манзилли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига бу вазифаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш топширилди. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир чора-тадбир электрон платформага кири солиқ, яратилган иш ўринлари соҳиб қасбига текширилиши белгиланди.

Ў.А.

Олий Мажлис Сенатида


Ўзбекистоннинг нуфузи юксалмоқда

Олий Мажлис Сенатида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева олиб борди.



Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 19 июндаги Фармони билан халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиб, соҳада парламент назорати кучайтирилган, хусусан, мутасадди вазирилик ва идоралар те-

гишли халқаро рейтинг ҳамда индексларга бириктирилгани, ҳар йили мамлакатимизнинг устувор ҳолатида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маърузани муҳокама қилиш тартиби жорий этилгани алоҳида таъкидланди. Утган йил давомида халқаро рейтинглардаги 9 та кўрсаткичда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиб бўлиб, хусусан, Электрон ҳукумати ривожлантириш рейтингига аввалги ҳисобот давридагига нисбатан 6 поғонага кўтарилди, 193 та давлат орасида 63-ўринни эгаллаган. Мамлакатимиз электрон ҳукумат соҳасида ривожланиш бўйича "юқори" гуруҳдан "жуذا юқори" гуруҳга кўтарилган 17 та давлат қаторидан жой олди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Вазифалар белгилаб олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.



Унда бугунги кунда 2025 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси парламент

аъзолари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан чуқур ўрганилаётгани ва қизгин муҳокама қилинаётгани қайд этилди. Дастур лойиҳасида қабул қилинаётган қонунлардаги ҳавола қилинган нормаларнинг бажарилиши ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши устидан доимий ва таъсирчан назорат ўрнатиш, янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтириш муҳим вазифа сифатида ўрин олган.



Аграр ва сув ҳўжалиги:

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Бутун дунёда кечаётган глобал иқлим ўзгариши аграр соҳада янги имкониятларни яратиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш, лалми ерларни ўзлаштириш, дала четлари, коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ер майдонларида маҳсулот етиштиришни кенгайтириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таҳлил

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, кейинги етти йилда аграр тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ ҳўжалигида маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантириш, озиқ-овқат тармоғини барқарор ривожлантириш, чорвачиликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳага оид давлат сиёсатини янги-ча ёндашувлар асосида юритиш тизими яратилди.

2024 йил 18 — 20 ноябрь кунлари Олий Мажлисида бўлиб ўтган йиғилишларда Президентимиз томонидан аграр соҳага оид долзарб ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Жумладан, 2025 йилда аҳолига 100 минг гектар ер ажратиб бериш тақдирини мамлакатимизда қўшимча озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имкониятини ошириш билан бирга аграр тармоқда яна 600 мингга қўшимча иш ўрни яратилишига ҳизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, аграр соҳага доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан саналади. Утган йилда қўмитамиз қонун ижодкорлиги йўналишида 14 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди ва улардан 12 таси қабул қилинди. Қолаверса, қўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қуйи палата муҳокамасига киритилди. Жумладан, ушбу ҳужжатларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш ҳизматлари учун тўловларни бекор қилиш, қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан белгиланиши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга қаратилган нормалар ўз аксини топди.

Биргина "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Қонун йиллар давомида турли сабабларга кўра тўлатўқис қонуний ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда қурилган уй-жойлар ва ер участкаларига нисбатан ҳуқуқий эътироф этилишига имкон берди.

Қўллаб оилалар ҳаётига дахлдор ушбу ҳужжат узоқ йиллар мобайнида одамларни қийнаб келган уй-жойга эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Шу сабабли ушбу қонун халқимиз, тадбиркорларимиз ва мулк эгалари томонидан қизгин қарши олинди.



Давлат дастури лойиҳаси:

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА КУТИЛАЁТГАН ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли трансформация жараёнлари давом этмоқда. Президентимиз бу борада соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари олдига тегишли вазифаларни қўйган. Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ҳизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш энг асосий талаблардан бири. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва амалиётга самарали таътиб этиш талаб қилинади. Янгилашлардан қўзланган асосий мақсад — халқни рози қилиш. Ислохотлар марказида "Инсон қадрини устун" деган эзгу тамойил устувор.

Трансформация

Бирламчи тиббий-санитария муассасалари — соҳанинг юраги. Айни пайтда бу бўғинда 1264 та оилавий шифокор пункти, 1084 та оилавий поликлиника, 209 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва ана шу муассасаларнинг 1957 та филиали фаолият юритмоқда. Мазкур йўналишда касалликлар оқибати билан эмас, кўпроқ сабаблари билан курашилмайдиган янги-ча механизмларни жорий этишга киришилган.

Ихтисослаштирилган тиббий ҳизмат ҳам аҳолига янада яқинлаштирилмоқда. Бир пайтлар илғор хорижий мамлакатлар, кейинчалик асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик операциялар, инновацион диагностика усуллари эндиликда ҳудудларда ҳам уддаланяпти.

Хусусан, кейинги йилларда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 10 тадан 25 тага, уларнинг ҳудудий филиаллари 2 та-

дан қарийб 300 тага етказилди. Касалликларни даволаш самардорлигини ошириш мақсадида 2017 — 2024 йилларда диагностика усуллари 70 тадан қарийб 550 тага, даволаш усуллари 60 тадан 800 тага кўпайди. Ҳудудларда юқори технология операциялар улуши 61 фоизга етказилиб, пойтахтга келиб даволаниш кўрсаткичи 24 фоизга қисқарди.

Жорий йилда тизимда олиб борилаётган трансформация жараёнлари янги босқичга олиб чиқилди. Бу борадаги энг муҳим ва устувор вазифалар 2025 йилги давлат дастури лойиҳасида ўз аксини топган. Хусусан, ушбу лойиҳага мудирият вилоят даражасидаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари бошқарув, молия ва ташкилий жиҳатдан замонавий кўп тармоқли клиникалар шаклида қайта ташкил этилиши режалаштирилмоқда.



Транспорт ва логистика тармоғи ривожланмоқда

Мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган соҳалардан бири, бу — транспорт ва логистика тармоғи. Маълумотларга кўра сўнгги етти йилда маҳаллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш натижасида:

— юк автомобиллари сони 7 карра ошиб, 26 мингга етган;

— уларнинг халқаро ташишдаги улуши эса 35 фоиздан 60 фоизга кўпайган.



Факт ва рақамлар

Шу билан бирга, келгусида халқаро юк ташуви ҳажмини 2 карра ошириш, транспорт хизматлари экспортини камида 3 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган.



«ДУНЁДА ТУРМОҚ УЧУН ДУНЁВИЙ ФАН ВА ИЛМ ЛОЗИМАИР»



МаҳмудҶа Беҳбудий — Ватан, эл озодлиги учун курашган миллат виждонидир. Ўзбекистон тарихида гоят мураккаб ва синовли давр бўлган XX аср бошида майдонга чиққан МаҳмудҶа Беҳбудий Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси ҳисобланади. У миллий озодлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожлантириш, жаҳондаги илгор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқнинг онгу тафаккурини юксалтириш ҳамда хурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган.

Мустақиллик даврида МаҳмудҶа Беҳбудий хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ қилиш, илмий

Бизнинг суҳбат



— «Беҳбудия» кутубхонаси ўз даврида жуда машҳур бўлган. Китоб ва газета-журналлар ўқиш учун қироатхонага ташириб буюрган ҳар бир кишига Беҳбудий кўрсатмаси билан қайнок, қандил чой берилган. Неча қаҳирим йўл босиб келишга арзиғулик кутубхонадаги китоблар қаердан олиб келинган?

— «Беҳбудия» кутубхонасини ташкил этишда бобомизга домла Сиддиқий ва Шакуррий ёрдам берган. Беҳбудий кутубхонанинг ташкилотчилигига эмас, балки ундан ўрин олган асар китоб ва рисола-ларнинг эгаси ҳам бўлган. Саёҳати давомида Кавказ, Крим, Туркия, Греция, Болгария, Австрия ва Германиянинг турли шаҳарларидан жуда кўп китоб олиб келиб, арзон нарҳда сотган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарларида китоб дўконларини очган. Самарқандда-да китоб дўкони ўз ҳовлисида жойлашган. Беҳбудий қанд ҳар қандай ақлий, илмий меҳнат чоғида минга ҳамда хотирага қувват бўлган, деб ҳар бир китобхонга қайнок, қандил чой беришни йўлга қўйган. Кутубхона доимлари кунига 14 соатлаб ишлаган. Билим ва маърифатга интилувчи одамларга хурмат ва эътибор билан қаралган.

Вадуд Маҳмуд Шакуррий муаллимга бағишлаган мақоласида: «Беҳбудий 100 кутубхонанинг эгаси эди. 1000 жилдик китоб фондига эга бўлган. Бу мутлоахона барча учун доимо оحيқ эди. Уша вақтларда бу китобларнинг ҳар бири олтин баҳосида ҳисобланарди. Беҳбудий бу жойнинг биноси ва бошқа ҳаракатларини ўз чўнтағидан тўлар эди», деб ёзади. Афсуски, «Беҳбудия» кутубхонасининг 1917 йилдан кейинги тақдирини ҳусусида матбуотда бирор мақола ёки хотира эълон қилинмаган.

— МаҳмудҶа Беҳбудийнинг ҳар бир мақоласи жонқил муҳаббат, қози, муфти ва мударрисларни жунбишга келтирган, дейишадими...

— Беҳбудий замонавий мактаблар миллатнинг истиқболда катта аҳамият касб этишига қаттиқ ишонган. Ўз ҳовлисини мактаб учун бериб қўйган, бундан бир тийин моддий манфаат кўрмаган, муроди миллатга хизмат қилиш бўлган. Баъзи уламолар, қози ва мударрислар бунини ўзларига ортиқча дахмага билиб, эски мадрасалардан воз кечгиси келмаган. Уларни на миллат, на Ватан манфаати қизиқтирган, фақат чўнтақларини қапайтиришни ўйлаган. Бобомиз 1913 йилдаги «Эҳтиёжи миллат» мақоласида: «Бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладур-

ва бадий асарларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонида унинг ҳайкали ўрнатилди, Самарқанд шаҳрида уй-музейи очилди, истеъдодли драматурглар учун МаҳмудҶа Беҳбудий номидаги мукофот таъсис этилди.

Яқинда Президентимиз 2025 йилда Туркистон жадидлик ҳаракати асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби МаҳмудҶа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорни имзолагани халқимизнинг ўз ардоқли фарзандига юксак эҳтиромни намояни, ўзликка қайтиш, азалий қадрият ва аъналарга ҳурмат, аждодларимиз хотирасини улуғлаш ҳамда уларнинг меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида урғу қаратилаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

мидан таъсирланган Фитрат: «Золимнинг тахтини титратган бир товуш қичқирди: Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!» дея фарёд чеккан. Чўлпон: «Азиз отам қўлимдаги гулларнинг Мотам гули эканлигин билмайсан...» деб қабрини излашга тушган. Халиғача Беҳбудийни ким ўлдирган, нима учун, қабри қаерда деган саволларга жавоб топиш йўлида олимлар изланишлар олиб бормоқда. Яқинда қаршилик олимлар кўрсатган қабр очилиб, биздан тест олинди. Бу текширув ҳам ўз исботини топмади. Бунинг аниқлаш учун, аввало, далил, ҳужжат керак. Бобомизни ким ўлдирган бўлса ҳам, шундай қаттол душмани бўлганки, қабрини текислаб юборган. Уни қатл этган жаллодларнинг ҳам боши олинган. Энди бобомизнинг атоқли қисматида шу бор экан. Истаймизки, бошқа ҳеч кимнинг қабрини безовта қилиш керак эмас.

Энг ачинарлиси, бобомизнинг ўлимидан кейин иходининг қайта қатагон қилиниши ақл бовар қилмас тубанлик эди. Барча асарлари қатъий тақиқланди, номи тилга олинмади. Тилга олинганда ҳам «халқ душмани», «миллатчи» каби турли тўхматлар билан эсланди. Бу маънавий ўлим биринчидан даҳшатлироқ бўлди. Унинг изи бутунлай ўчиб кетишга маҳкум этилди. Бир фарзанди «халқ душманининг ўлими» деган таъкиблардан қочиб, Душанбе шаҳрида яшаб ўтди. Бу бобомизнинг қимлигини мустақиллик туйғайли билдик. «Адиблар хиёбони»да Беҳбудийнинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Самарқандда ҳам бобомизнинг бюсти ўрнатилди. Мана, биз кутган адолат юзага чиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг МаҳмудҶа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарориди бобомизнинг Туркистон жадидлик ҳаракати асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог дея таъкидлангани авлодлари учун тарихий воқеа бўлди. Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига МаҳмудҶа Беҳбудий номи берилсин ҳам маънавиятимизга қўрсатилган юксак эҳтиром, деб биламан.

— Самарқанд шаҳрида МаҳмудҶа Беҳбудий яшаган хонадон уй-музейга айлантирилди. Президентимиз Фармони билан Беҳбудий «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ушбу мукофотни Президентимиз қўлларидан қабул қилиб олаётганингизда қалбингиздан нималар кечди?

— Давлат раҳбаридан ушбу юксак мукофотни олиш бизга насиб этганидан кўзим қувонч ёшига тўлди. Шундай инсоннинг эвараси бўлганимдан бошим осмонга етди. Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака кўчасида жойлашган уй-музейи айна пайтда қайтадан таъмирланмоқда. Музейда Беҳбудийнинг асарлари, чиқарган газеталарининг илк сонлари, бобомиз фойдаланган китоблар, кўп ёрдамда ишлатилган литография дастгоҳи бор. Алоҳида айтаманки, китобхоналар учун доим эшигимиз очик, бу ерда амалий дарслар ўтиш учун ҳам қулай шароитлар яратилмоқда.

Демак, бобомизнинг хотираси, бебаҳо мероси мангу яшайверади.

Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

АВЛОДЛАР ЭЪТИРОФИ ВА ЭҲТИРОМИДАГИ УЛУФ СИЙМО

Мамлакатимизда буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби МаҳмудҶа Беҳбудийнинг 150 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси ҳамкорлигида ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. «Буюк маърифатпарвар адиб МаҳмудҶа Беҳбудий хотираси — авлодлар эътирофида» деб номланган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, илм-фан намояндалари, педагоглар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг миллий гуруҳини юксалтириш, маданияти, маънавиятини бойитиш, айниқса, ёшларнинг таълим ва илм-фанга рағбатини янада оширишнинг самарали воситаси сифатида жадидлик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

МаҳмудҶа Беҳбудий халқимиз тарихининг мураккаб давларида маърифат маънавиясини балан кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбобидир. У миллий озодлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида халқимизни мустақил тузум кирдикорларидан огоҳ этишга, онгу тафаккурини юксалтириш, хурриятга эришиш йўлида жишлантиришга интилди. Ўртимизда биринчилар қатори усули жадид — янги таълим методига асосланган мактаблар очди. «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналинини ташкил этиб, миллий журналистика ривожига тамал тошини қўйганлардан бири бўлди. Драма ва ҳикоялари, долзарб мавзулардаги мақолалари билан маънавий уйғоқ, ватанпарвар авлодни тарбиялашга, халқимизни дунё билан таништиришга, илм-маърифатли, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам қилишга ҳисса қўшди. Бугун ҳам инсонларни жаҳолатдан, турли иллатлардан огоҳ этишда улуғ аллома гоялари, ҳаётий шоирлари, илмий, адабий мероси ҳам муҳимдир.

Шу босис давлатимиз раҳбари миллатимизнинг кўплаб оидинлари қаторида юртимизда Беҳбудий хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ қилиш, илмий ва бадий асарларини кенг оммалашти-



риш учун барча шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимизнинг «Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог МаҳмудҶа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

МаҳмудҶа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллиги бағишланган тадбирлардан яна бири Вазиirlар Маҳкамаси ҳузурдаги Қатагон қўрбонлари хотираси давлат музейида ўтказилди.

Жадидлик ҳаракатини тадқиқ қилиш билан шуғулланиб келаётган олимлар, тарихчилар, кутубхона, музей ва маданият соҳаси вакиллари қатнашган тадбирда Президентимизнинг Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог МаҳмудҶа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори улуғ алломанинг бебаҳо меросини янада кенгроқ ўрганиш ҳамда тарғиб қилишга муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ушбу қарорга асосан мутафаккир адибнинг «Танланган асарлар» тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китоблар чоп этилиши, турли кўргазмалар, учрашув ва анжуманлар ўтказилиши, танловлар уюштирилиши халқимиз, айниқса, ёшларнинг билимларини бойитишга, миллий гуруру, фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондарида сақланаётган Беҳбудий асарлари, жадид бобомиз томонидан асос солинган матбуот нашрлари, улардаги мақолалар намойиш қилинди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

— Президентимизнинг янги жамият қуриш, одамларнинг тафаккурини ўзгартиришдек эзгу мақсад йўлида улуғ аждодларимиз мероси ва аъналарини асосида маънавият соҳасини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас, — дейди биз билан суҳбатда жадид бобомизнинг эвараси Шохроҳ Беҳбудий. — Зеро, Беҳбудий каби феноменал инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти салмоғи жиҳатдан миллий жадидчилик ҳаракати тарихида катта аҳамият касб этмади. Хусусан, МаҳмудҶа Беҳбудий XX аср бошларида буюк муаллим сифатида биринчи жадид мактабини очган, илк миллий рўзнамога асос солган. «Театр — ибратхонадир», деган даъват билан илк сахна асари «Падаркуш»ни сахналаштирган, ижтимоий чиқишлари билан халқни гафлат уйқусидан уйғотишга интилан. Миллатни озод қилишни истаган. На уламоларнинг танқиди ва маломатлари, на мустақид тузумнинг таъбири қаршиликларини уни шу муқаддас мақсадида бир дақиқа ҳам қайтарма олмаган. Бу йўлда қанча заҳар-заққум ютса-да, Ватани, халқи, миллати, тили, тарихи ва қадрини учун курашган. Бобомиз 44 йил муқурган бўлса-да, 25 ёшидаёқ миллат ишига энг шимариб киришган...

— Беҳбудий яшаган давр унчалик узоқ бўлмагани каби замондошларнинг хотиралари ниҳоятда кам. МаҳмудҶа Беҳбудий қандай инсон бўлган? Шу ҳақда гапириб берсангиз...

— Бобомизнинг фожиали ҳалокатидан икки ой ўтиб тўнғич фарзанди Маъсудхондан энг катта набираси — менинг отам туғилган. Бу пайтда Беҳбудийнинг барча мол-мулки мусодара этилган бўлган. Ҳожи Муин ёзишича, Беҳбудийнинг асл исми СултонҶа бўлиб, «БеҳбудҶа» унинг тахаллуси. Бора-бора бу тахаллус унинг номига айланган. Ҳожи Муин туғилган санасини «1874» деб кўрсатиб, киндик қони тўкилган жойни Бахшитапа деса, Беҳбудийнинг қизи Парвинхоним отасини 1873 йилда Самарқанд шаҳри яқинидаги Ёмин қишлоғида туғилганини айтади. Академик Наим Каримов бу санани «1875 йил 19 январь» деб кўрсатади. Бобомиз қанча мақолалар, асарлар битиб, газеталар чиқарган бўлса-да, бирор жойда таржимаи ҳолини ўз қўли билан ёзиб қолдирмаган. Сўнги марта сафарга чиқиб кетганида ҳам яна уйга қайтаман, деб ўйлаган. Биз Беҳбудий ҳақидаги бошқа ҳақиқатларни ҳам замондошлари, шоғирдлари ва сафдошларининг хотираларидан билганмиз. Бу ҳақда Садриддин Айний ёзади: «Беҳбудий ҳазратлари кўришишда гоят маҳобатли эди... Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳолининг тузиллиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан (деб) билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларга бўлатурган исрофларни ўзи бутун тарқ қилган ва сўзига қулоқ солатурганларини ҳам тарқ қилдирган эди».

Илк марта 1983 йилда бобомиз ҳақида филология фанлари доктори, профессор Надимхон Беҳбудийнинг мақоласи чиққанда ҳайратга тушганмиз. Унда Айний таърифлагандек, бобомиз жуда сало-

Тутқунликда боқилиши тақиқланган ёввойи ҳайвонларни сақлаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. ГАЗЕТАНИНГ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАЪМЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИН ҲАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМАИЛОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ. ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТИ ЧОП ЭТИЛИШИГА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: 71-233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳих — С. Исмоил. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.05 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6